

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.



Давлат бюджети маблағларидан фойдаланиш устидан назорат кучайтирилади

Президентнинг 14.02.2022 йилдаги ПҚ-128-сон қарорида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатларининг самарадорлигини янада ошириш ва давлат молиявий назорати органлари фаолиятини такомиллаштириш назарда тутилган.

Ҳужжат Давлат бюджети харажатларининг самарадорлигини ошириш, бюджет қонунчилиги бузилишининг профилактикасини кучайтириш ва масофавий молиявий назоратни кенгайтириш, шунингдек, давлат молиявий назорати органлари фаолиятини такомиллаштириш мақсадида қабул қилинди.

Молия вазирлиги таркибидаги Давлат молиявий назорати департаменти ва унинг ҳудудий бошқармалари негизда Молия вазирлиги ҳузурида Давлат молиявий назорати инспекцияси ташкил этилади. У қуйидаги ташкилий тузилмалардан иборат бўлади:

- Қурилиш объектларида назорат ўлчовини амалга ошириш бошқармаси;
- Комплаенс назорати бошқармаси.

Инспекция бошлиғи молия вазирининг тақдимномасига биноан Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади ва молия вазири ўринбосарига тенглаштирилади. Унинг ўринбосарлари Инспекция бошлиғи билан бир хил тартибда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

Ҳужжат билан шундай тартиб белгиландики, унга мувофиқ:

- 2022 йил 1 ноябрга қадар Инспекция ходимлари молиявий назорат ва ички аудит соҳасидаги халқаро тажрибалар асосида махсус ўқув курсларида ўқитилади;

- 2022 йил 1 ноябрдан бошлаб Инспекция ва ички аудит хизматларининг ходимларига малака сертификатини олиш тизими жорий этилади;

- 2023 йил 1 сентябрдан бошлаб ички аудит бўйича миллий малака сертификатига эга бўлмаган шахсларни Инспекция ва ички аудит хизматларининг ходими лавозимига ишга қабул қилишга ҳамда уларнинг ушбу тизимларда фаолият юритишига йўл қўйилмайди, бундан халқаро сертификатга эга бўлган шахслар мустасно.

2022 йил 1 апрелдан бошлаб давлат молиявий назорати соҳасида қондабузарликлар ҳолатлари тўғрисида Инспекцияга «Давлат аудити» дастурий комплекси орқали хабар берган жисмоний шахсларга, ушбу маълумот асосида молиявий текширувлар

жараёнида аниқланиб, давлат фойдасига ундирилган маблағлар ҳисобидан мукофот тўланади.

Ҳужжат билан қуйидагилар тасдиқланди:

- 2022 йилда Давлат бюджети харажатларининг самарадорлигини ошириш ҳамда молиявий назорат фаолиятини такомиллаштириш бўйича «Йўл харитаси»;

- қарорда белгиланган чора-тадбирларни ҳудудларда татбиқ этиш бўйича масъуллар рўйхати.

«Йўл харитаси»да белгиланган чора-тадбирлар ижросини таъминлаш учун масъул вазирлик ва идоралар раҳбарларига қуйидаги рағбатлантириш ва жавобгарлик чоралари қўлланилади:

- вазифаларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ижросини таъминлаган раҳбарларни ярим йиллик яқунларга кўра ўртача ойлик иш ҳақининг 50%гача бўлган миқдорда мукофотлаш;

- вазифаларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ижросини таъминламаган раҳбарларга ўртача ойлик иш ҳақининг 30% миқдорда жарима санкцияларини қўллаш.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 15.02.2022 йилдан кучга кирди.

Бу йил Наврўз байрами қандай нишонланади

Президентнинг 17.02.2022 йилдаги ПҚ-134-сон қарори билан бу йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари белгиланди.

Наврўз байрамини олиб борилаётган улкан ўзгариш ва янгиланишлар жараёнига уйғун ва ҳамоҳанг тарзда, ҳар томонлама юксак савияда ўтказиш мақсадида ушбу айём «Ассалом, Наврўз – янгиланиш, меҳр-оқибат ва қадр-қиммат айёми!» деган бош ғоя асосида умумхалқ сайиллари шаклида нишонланади.



Жойларда Наврўз умумхалқ байрамини юқори савияда ўтказиш мақсадида қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилади:

- Наврўз кунларида инсон ва табиат ўртасидаги уйғунлик, она заминга меҳр ва эътибор яққол ўз ифодасини топишини акс эттирадиган маънавий-маърифий тадбирларни уюштириш;

- Тошкент шаҳридаги «Янги Ўзбекистон» мажмуасида алоҳида дастурлар асосида халқ сайилларини ташкил этиш;

- Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва фахрийлари, кекса авлод вакиллари ҳар томонлама эъзозлаш, Меҳрибонлик ва Мурувват уйлари тарбияланувчилари, Саховат уйларида яшаётганлар, «Темир дафтар», «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари» ва «Меҳр дафтари»га киритилган ҳамда кўмакка муҳтож инсонларнинг ҳолидан хабар олиш, уларга бегараз ёрдам бериш билан боғлиқ хайрия тадбирларини амалга ошириш;

- мамлакатимизда бошланган «Яшил макон» умуммиллий лойиҳасида белгиланган тадбирларни уюштириш, Наврўз умумхалқ байрами арафасида республикамизнинг барча ҳудудларида, ҳар бир кўча, маҳалла, туман ва шаҳарларда ободончилик

ва кўкаламзорлаштиришга қаратилган умумхалқ ҳаётларини ўтказиш;

- байрам тадбирлари бўлиб ўтадиган жойларда ҳунармандчилик кўргазмалари, миллий спорт турлари бўйича мусобақалар ўтказиш, китоб расталари, кўчма савдо дўконларини ташкил қилиш, кўклам таомларини тайёрлаш ва уларнинг савдосини йўлга қўйиш.

Белгиланишича, ўтказиладиган байрам тадбирлари:

- Тошкент шаҳрида – республика бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улушларда;

- Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларида – Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва вилоятлар маҳаллий бюджетлари ҳисобидан қопланади.

Қуйидагилар тасдиқланди:

- 2022 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Ташкилий қўмита таркиби;

- 2022 йилги Наврўз умумхалқ байрамини ўтказиш бўйича «Йўл харитаси».

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 18.02.2022 йилдан кучга кирди.

Саодат Усмонова, Лола Абдуазимова.

2-бетда

Ушбу сонда:

3-6-БЕТЛАР

Янги ҳужжатлар билан таништирамиз

7-БЕТ

Корхона қутилмаган харажатлар учун кассада нақд пул сақласа бўладими?

8-БЕТ

Штатдаги уч нафар муҳандисдан қайси иккитасини қисқартирса бўлади?

Ногиронликни олиш тартиби ўзгартирилди

Вазирлар Маҳкамасининг 8.02.2022 йилдаги 62-сон қарори билан тиббий-ижтимоий экспертиза хизмати ташкилий тузилмасини ва фаолиятини ташкил этишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тасдиқланди.

Қарор Президентнинг «Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, «Саховат» ва «Муруват» интернат уйлари тизимини янада ривожлантириш тўғрисида»ги (25.03.2021 йилдаги ПФ-6195-сон) ҳамда «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги (28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сон) фармонлари, «Тиббий-ижтимоий экспертиза хизмати фаолияти ҳамда болаларга ногиронликни белгилаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (27.11.2021 йилдаги ПҚ-22-сон) қарори ижросини таъминлаш мақсадида қабул қилинди.

Қарор билан Фуқароларни тиббий-ижтимоий экспертиза комиссияларида кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Фуқароларни кўриқдан ўтказиш уларни тиббий-ижтимоий эксперт комиссияларга кўриққа юбориш орқали амалга оширилади (088/у-сонли шакл). Кўриққа, шунингдек, стационардан берилган касаллик тарихини, амбулатор картадан кўчирмаларни ва беморни кўриққа юбориш учун асос бўлган бошқа ҳужжатларни ўрганиш ҳам киради. Тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари мажлисида кўриқ тўлиқ таркибда ва ҳужжатлар қабул қилиб олинган кундан бошлаб 10 кун

ичида ўтказилади. Ногиронлик белгиланган тақдирда, ҳужжатлар ТИЭК томонидан қабул қилиб олинган сана ногиронликнинг бошланиши ҳисобланади.

Шунингдек, қарор билан қуйидагилар тасдиқланди:

➢ Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлигининг Тиббий-ижтимоий экспертиза хизмати тизимининг ташкилий тузилмаси;

➢ Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлигининг Республика тиббий-ижтимоий экспертиза инспекциясининг тузилмаси;

➢ Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бош тиббий-ижтимоий эксперт комиссияларининг, туманлараро, туман (шаҳар), ихтисослаштирилган ва педиатрия тиббий-ижтимоий эксперт комиссияларининг намунавий тузилмалари;

➢ Зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозланган давлат тиббиёт муассасаларига бепул тегиштурувлар ўтказиш учун бириктирилган тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари рўйхати.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 8.02.2022 йилдан кучга кирди.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкалари қандай хусусийлаштирилади

Вазирлар Маҳкамасининг 14.02.2022 йилдаги 71-сон қарори билан «Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида»ги Қонунни амалга ошириш чора-тадбирлари белгиланди.

Ҳужжат юқорида кўрсатилган Қонун ҳамда Президентнинг «Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони (8.06.2021 йилдаги ПФ-6243-сон) ижросини таъминлаш мақсадида қабул қилинди. У билан қуйидагилар белгиланди:

➢ Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва юридик шахслари томонидан уларга доимий фойдаланиш (эгаллик қилиш), ижара ёхуд мерос қилиб қолдирилган умрбод эгаллик қилиш ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ер участкаларини хусусийлаштириш «Yerxususiyashtirish» автоматлаштирилган ахборот тизими («Yerxususiyashtirish» ААТ) орқали амалга оширилади;

➢ қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган бўш турган ер участкаларини тадбиркорлик ва шаҳарсозлик

фаолиятини амалга ошириш учун мулк ёки ижара ҳуқуқлари асосида, яқна тартибда уй-жой қуриш учун мулк ҳуқуқи асосида реализация қилиш «E-auction» электрон савдо платформаси орқали амалга оширилади;

➢ «Yerxususiyashtirish» ААТни техник қўллаб-қувватлаш, хусусийлаштирилган ер участкасига мулк ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш, шунингдек, ягона биллинг ҳисоб-китоб тизими хизматлари учун тўловлар ер участкаларини хусусийлаштиришдан тушган маблағлар ҳисобидан қопланади.

Қарор билан қуйидагилар тасдиқланди:

➢ Тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини мулк ҳуқуқи ва ижара ҳуқуқи асосида электрон онлайн-аукцион орқали реализация қилиш тартиби тўғрисидаги низом;

➢ Яқна тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни ободонлаштириш учун ер участкаларини мулк ҳуқуқи асосида электрон онлайн-аукцион орқали реализация қилиш тартиби тўғрисидаги низом;

➢ «Yerxususiyashtirish» ААТ ва «Yerelektron» ААТга уланадиган вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар рўйхати.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 14.02.2022 йилдан кучга кирди.

Саодат Усманова.



УШБУ СОНДА

• ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

- Давлат бюджетни маблағларидан фойдаланиш устидан назорат қўчайтирилади
- Бу йил Наврўз байрами қандай нишонланади
- Ногиронликни олиш тартиби ўзгартирилди
- Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкалари қандай хусусийлаштирилади

1-2-бетлар

• ҲОЛИШУНОСЛИК

- Аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик 2-бет
- РАСМИЙ ҲУЖЖАТЛАР
- Ўзбекистон Республикасининг Қонуни
- «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига

ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» (Қу-чирма).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

– «Ногиронлиги бўлган шахсларни ҳамда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида».

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари:

- «Ўзбекистон Республикасида чорвачилик соҳаси ва унинг тармоқларини ривожлантириш буйича 2022–2026 йилларга мўлжалланган дастурни тасдиқлаш тўғрисида»;

– «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетни харажатларининг самарадорлигини янада ошириш ва давлат молиявий назорати органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида».

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

– «Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида».

Идоравий меъририй-ҳуқуқий ҳужжат

- УзР ДСҚнинг «Яқна тартибдаги тадбиркорлар томонидан товарларни (ишларни,

хизматларни) реализация қилишдан олдинган тушумини ҳисоблаш ва солиқлар тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори

• ХўЖАЛИК ЮРИТИШ ҚОНДАЛАРИ

- Битим ҳақиқий ҳисобланмайдми
- Божнона декларациясига асосан рўйхатдан ўтказиш
- Сақлаш имконияти назарда тутилмаган

7-бет

• КАДРЛАР БЎЛИМИ

- Бева аёлни ишдан бўшатиш мумкинми...
- Касаллик варақаси қонунийми...

8-бет

Таҳририят аноним хатларга муносабат билдирмаслиққа, қонун ҳужжатларида белгилангандан ташқари ҳолларда респондентнинг хоҳишига кўра у ҳақида ахборотни учинчи шахсларга бермаслиққа ҳақли.

«Норма маслаҳатчи» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга фақат «NORMA davriy nashrlari» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

АҲОЛИШУНОСЛИК

Аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик

Бу жараёнда маҳаллий ҳокимият органларининг иштироки нималарда намоён бўлади?

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикасида 2023 йилда аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 710-сон қарори билан мамлакатимизда аҳолини рўйхатга олиш тадбирини самарали ўтказишга тайёргарлик қўришнинг мезонлари белгилаб берилган.

Аҳолини рўйхатга олиш кенг қамровли, кўп вақт ва маблағ талаб қиладиган тадбир ҳисоблангани боис, мазкур қарор билан ушбу 3 босқичда амалга ошириладиган жараёнда (тайёргарлик қўриш, ўтказиш ва натижаларини таҳлил қилиш) бир қатор масъул давлат идораларининг вазифалари кўрсатилган. Хусусан қарорнинг 2-бобда аҳолини рўйхатга олишда давлат органларининг иштироки ва ушбу жараёнда уларнинг зиммасига юкланадиган вазифалар белгиланган.

2023 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказишга кўмаклашиш буйича республика ва ҳудудий комиссиялар ташкил этилади. Республика комиссияларига давлат статистика органлари, тегишли вазирлик ва идоралар киритилган бўлиб, Давлат статистика қўмитаси Ўзбекистонда аҳолини рўйхатга олишни ўтказишга кўмаклашиш буйича республика комиссиясининг ишчи органи ҳисобланади.

Юқоридаги қарор билан вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳузурда ташкил этиладиган ҳудудий комиссиялар зиммасига тайёргарлик қўриш ишлари давомида қуйидаги вазифалар юклатилган:

➢ маъмурий-ҳудудий бирликлар чегараларини ҳисобга олиб, аҳоли пунктларида яшовчи аҳоли сонини кўрсатган ҳолда аҳоли пунктларининг тўлиқ рўйхати тузилишини таъминлаш;

➢ ҳудудларни аҳоли сонидан келиб чиқиб белгиланган тартибда рўйхатга олиш, инструментлик ва ҳисоб участкаларига бўлинишини таъминлаш ҳамда уларнинг фаолиятини ташкил этиш;

➢ маъмурий-ҳудудий бирликларда кўчаларнинг номлари, уйлар ва квартираларнинг рақамлари кўрсатилган кўрсаткичлар бўлишини таъминлаш;

➢ жалб этилган рўйхатга олувчи ходимлар таркибини тасдиқлаш;

➢ аҳолини рўйхатга олувчи ходимларни танлаб олиш ва ўқитишни ташкил этиш;

➢ аҳолини рўйхатга олишни ўтказишга жалб этилган шахсларнинг ўқиши ва ишлаши учун зарур моддий-техник таъминот билан таъминлаш.

Бир сўз билан айтганда рўйхатга олиш ишларини ташкил этиш ва ўтказишни мувофиқлаштириш, ҳудудлар даражасида ўзаро ҳамкорликни таъминлаш ҳудудий комиссиялар томонидан амалга оширилади.

Дилфуза Раҳмонова,

Ҳазорасп тумани статистика бўлими бош мутахассиси.